

“БОМБА” СЎЗЛАР

21:05 / 21.04.2017 4467

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Аллоҳ таъолога беадад ҳамду саноларимиз ва Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга эса беҳисоб саловоту дурудларимиз бўлсин.

Ҳозирги кундаги “бомба” сўзлар тўғрисида бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчимиз. Шариатимизда шундай сўзлар борки, у сўзлар аслида муқаддас туйғуларни англатади. Лекин ҳозирги кунда адашган фирқа ва гуруҳлар айни шундай муқаддас туйғуларни англатадиган, мўмин-мусулмонлар учун қадр-қимматли бўлган сўзлардан ўзларининг ғаразли мақсад ва ниятларини амалга оширишда фойдаланишлари ачинарли ҳолдир.

Албатта бу тоифа ва гуруҳлар ўзларининг мақсадларини амалга ошириш йўлида Қуръони карим оятлари, ҳадиси шарифларнинг маъноларини ҳам суистеъмол қилишиб, уларни ўзларининг ғояларига хизмат қилдиришдан таб тортишмайди. Шунингдек, улар салафи солиҳларимиз ва ўтган азиз уламоларимизнинг айтган сўзларини нотўғри талқин қилишиб, улардан ўзларининг мақсадлари йўлида фойдаланишдан ор қилишмайди.

Ушбу мақола орқали фирқа ва гуруҳлар томонидан бузиб қўлланилиши натижасида айрим шаръий атамаларни ёш мўмин-мусулмон ва ислом динидан умуман беҳабар бўлган ёки унга энди қизиқаётганлар учун гўёки салбий маънода ишлатилаётгани ҳақида бир-икки оғиз маълумот бериб ўтмоқчимиз. Масалан, ҳозирги кунимизда “ҳижрат”, “жиҳод”, “шаҳид”, “салаф”, “халифалик” каби сўзлар гўёки “террорист”, “фундаменталист”, “экстремист”, “худкушлик” сўзлари билан маънодошдек ишлатилинадиган бўлиб қолган. Аслида эса уларнинг ўртасида иймон билан куфр ёки осмон билан Ерчалик фарқ бор. Қўйида манашу масалага тўхталиб ўтамыз:

Ҳижрат: Аслида Ислом динида “ҳижрат” катта бир ибодатдир. У Аллоҳ таолога яқин бўлиш, Аллоҳ таолонинг буйруғини бажариш, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини амалга оширишдир. Ҳижрат муқаддас бир туйғу, яъни мўмин-мусулмонлар ўзларининг дини, иймон ва эътиқодларини сақлаб қолиш учун сабаб ва воситалардан бири бўлган катта бир ибодатдир. Лекин, юқоридаги тоифалар ҳозирги кунда

“ҳижрат” сўздан ўзларига ниқоб ясашиб, кўпчиликни “ҳижрат”дан безийдиган, ҳижрат деса қўрқадиган, ҳижрат деса талвасага тушадиган ҳолатга келтириб қўйишди.

Аслида эса, “ҳижрат” сўзининг луғавий маъноси ва шариатимиздаги маъноси билан танишиб чиқадиган бўлсак, ҳижрат ҳеч қандай салбий маънода ишлатилмайдиган сўз эмаслиги аён бўлади. Балки мўмин-мусулмонлар учун катта шарт-шароитлар ва имкониятлар, эътиқод эркинлиги, ибодат эркинлигини таъминлаб бериш учун бир кўприк ўрнини бажарадиган улуғ амал бўлиб, уни “ҳижрат” деб аталади.

“Ҳижрат” сўзининг луғавий маъноси “бир нарсадан ажраш, узилиш, тарк этиш, узоқлашиш” деган маъноларни англатади. Шариатимизда эса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошчиликларидagi бир қанча саҳобаи киромларни Маккаи мукаррамадан Мадинаи мунавварага кўчиб ўтганликларига айтилади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам нима учун ҳижрат қилганлар? Маккаи мукаррамада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошчиликларидagi саҳобаи киромларга диний эътиқодларини, диний эркинликларини ва ибодатларини амалга оширишга мутлақо шарт-шароит қолмаганлиги, Макка мушриклари уларга ҳар томонлама зулму ситамларни кучайтиришлари, тажовуз қилишлари, ижтимоий- иқтисодий, маънавий, молиявий, диний, эътиқодий томонлама босим ўтказишлари сабабли Аллоҳ таъоло уларни Мадинаи мунавварга ҳижрат қилишга буюрган. Манашу нарсага шариатда “ҳижрат” дейилади.

Демак, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳижрат қайсики мўмин-мусулмонни ўзи яшаб турган жойда эътиқод эркинлиги, ибодат эркинлиги ва унинг маънавий, руҳий, диний эркинликларини сиқиб, уни исканжага олиб, уларни амалга оширишга йўл қўймаса, ана ўша жойни тарк этишлари шарт бўлади ва бу шаръий “ҳижрат” бўлади. Аммо ҳозирги кундаги “ҳижрат” сўзига нотўғри урғу бериб, халқни ичида, мўмин-мусулмонларнинг ичида уларни ташвишга қўяётган ва “ҳижрат” сўзини ўзларига қурол қилиб олаётган фирқаларнинг ишлари, ғоялари, мафкуралари сабабли мўмин-мусулмонлар “ҳижрат” сўзини муомалада ишлатишдан қўрқишиб, уни ҳудди “бомба” каби хавfli бир сўз деб тушиниб қолишди. Манфур кимсаларнинг таъкидлашларича, одамлар қайси юртда яшашларидан қатъий назар қонхўрларни, қотилларни, жангариларни тайёрлаётган лагерларга ҳижрат қилиб, уларга қўшилмагунларича чин мусулмон бўлмас эмишлар.

Бу каби ғаламисларнинг ғоясида на шариатнинг асл кўрсатмаси, на ота-онанинг розилиги ва на бошқа омилларга риоя қилиш шарт. Балки, улар ўз ғоялари йўлида барча тўсиқларни ширкка, куфрга йўйишиб, мақсадларини амалга оширишда ҳар қандай разилликдан таб торишмаяпти. Улар ўзларига “Албатта ҳижрат қилишлик шарт ва ҳижрат қилмаганлар иймондан айрилади” каби шиорлар қилишиб, ҳудди ҳақиқатни гап-ришаётгандек ўзларини “ҳақиқатпар” қилиб кўрсатишмоқда.

Азизлар, биз ёшларимизга, мўмин-мусулмонларга ҳали Исломи дин борасида кўп ҳам маълумотга эга бўлмаган кишиларга ҳижрат ҳақидаги маълумотларни тўғри ва ҳақиқий маъносини етказиб қўйишимиз керак. Шунда ёшлар хавф-ҳатар аслида “ҳижрат” сўзида эмас, балки бу сўзни қурол қилиб олган тоифа, гуруҳ ва адашган жамоаларда эканлигини тушиниб етишади.

Ҳозирги кунда “бомба”га айланган сўزلардан яна бири, бу – “жиход” атамасидир. “Жиход” сўзи ҳозирги кунда кўрқмасдан айтишимиз мумкин-ки, ҳижрат сўзидан ҳам хавфлироқ, ундан кўра ҳам зарарлироқ ва ундан кўра салбиноқ маънода ишлатиладиган сўз бўлиб қолмоқда. Бу ўринда аслида қандай?, деган ўринли савол туғилади. Ушбу сўз ҳам ҳудди “ҳижрат” сўзига ўхшаган адашган тоифа, гуруҳ, қонхўр ва қотилларнинг махфий қуролларидан бирига айланиб қолган атама ҳисобланади.

“Жиход” сўзининг ҳақиқий маънолари билан танишиб чиқадиган бўлсак, ин ша Аллоҳ “жиход” сўзи мутлақо ижобий маъно, мутлақо муқаддас бир туйғу, балки ҳар бир мўмин-мусулмон мана шундай ишларга нафақат тайёр туриши, балки керак бўлса, ўзининг ҳиссасини қўшиши кераклигини тушуниб етамиз. Масалан, “жиход” сўзини араб тилидан ўзбек тилига таржима қиладиган бўлсак, “ғайрат қилмоқ”, “ҳаракат қилмоқ”, “интилмоқ”, “зўр бермоқ”, “бор кучини сарфламоқ”, “курашмоқ”, “меҳнат қилмоқ” каби маъноларни англатади. Лекин, бу маъноларнинг ичида бирор бир жойда “уруш қилиш”, “ўлдириш”, “қотиллик қилиш”, “қон тўкиш”, “босиб олиш”, “зўравонлик қилиш” деган маъно йўқ.

Аммо мазкур тоифалар Қуръони каримнинг баъзи бир оятларини ўзларининг қуролларига айлантиришгани каби “жиход” сўзини ҳам ўзларининг мақсад ва ғояларига элитувчи ниқобга айлантиришди. Натижада улар “жиход” деганда фақатгина уруш, қотиллик, қонхўрлик, босиб олиш, янчишлик, зўравонлик ва тажовузкорликни тушунишадиган бўлиб қолишди. Шунинг учун ҳудди “ҳижрат” сўзи каби “жиход” сўзи кимнингдир оғзидан чиқса ҳамма дахшатга тушиб олазарак қарайдиган,

қурол-яроқ билан таъминлаб, уларга қарши чиқаётган ота-она, диндош, миллатдош ва ўз юртдошларини қириб юборишмоқда. Ажабланарлиси, мазкур ҳаракатларини “жиҳод” ва шу йўлда ўлишни эса “шаҳидлик” деб даъво қилишмоқда.

Бундай сўзлардан яна бири “салаф” атамасидир. “Салаф” сўзи аслида Пайғамбаримиз соллоҳу алайҳи васалламнинг асрлари ва ундан кейинги иккки аср уламоларига нисбатан ишлатилинадиган сўздир. Демак аслида биз “салаф”лар деганда аввалги уч асрдаги буюқларимиз, улуғларимиз ва азизларимиз бўлмиш Росулulloҳ соллоҳу алайҳи васалламнинг меросхўрларини тушунамиз.

Адашган гуруҳлар эса ўзларининг асл башараларини бошқалардан беркитиш учун “салафийлар” номи билан ниқоблашмоқда. Булар ўзларини ҳар қанча улуғ номлар билан атамасин уларнинг қилаётган ишлари, қонхўрлик, қотиллик, мусулмонларнинг ўртасига солаётган фитналари аслида кимлар эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Балки уларнинг ғаразли мақсадлари ичида “салафи солиҳ”ларимизнинг номларини булғаш бўлса ҳам ажаб эмас.

“Халифалик” атамаси ҳам ҳозирги кунда уларни ниқобларидан биридир. Аслида эса “халифа” деган сўз чаҳориёрларга нисбатан (Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али розияллоҳу анҳуларга) ишлатилади. Тўғри улардан кейин ҳам халифалик номи билан аталган бир қанча подишоҳлар яшаб ўтганлар. Лекин уларни Ислом уламолари чаҳориёрлар каби Росулulloҳ соллоҳу алайҳи васалламнинг халифалари деб эътироф этишмайди. Луғатда “халифа” сўзи “ўринбосар” деган маънони англатади. Демак, луғатан оладиган бўлсак қайси раҳбар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга ҳудди чаҳориёрлар каби ҳар тарафлама ҳақиқий ўринбосар бўла олса, анашунда халифа бўла олади.

Ҳозирги кундаг “халифа”ликни даъво қилаётганлар эса ҳар тарафлама Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга хилоф қилмоқдалар. Шундай экан уларни биз кимнинг халифаси дея айтай оламиз?! Албатта бу ҳаммага маълум. Юқоридаги барча муқаддас сўзларни маъноларини ҳар тарафлама мукамал ўрганмоқчи бўлганлар устозимиз Шайх ҳазратларининг китобларига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, янги чиқаётган барча тоифалар ўзларига баландпарвоз шиорларни танлашлари ёки бутун мусулмонлар учун муқаддас бўлган баъзи бир атамалар билан номланишлари шу ҳолатда

давом этадиган бўлса, биз уларга қарши курашмасак ва уларнинг даъволарига ўз вақтида раддия бермасак аҳвол янада чигаллашиб бораверади. Ҳаттоки бу адашганлар ўзларининг жиноятларини амалга ошираётганларида бутун дунё мусулмонлар учун энг муқаддас бўлган сўз такбир (Аллоҳу акбар) ва таҳлил (ла илаҳа иллаллоҳ) ларни ишлатаётганлари энг ачинарли холдир. Аслида эса бу муқаддас сўзлар ибодатларни бошланишига ишлатилади. Мазкур ҳолатлар Ислом динидан беҳабар бўлганларнинг тушунчасида гўёки жиноятларни амалга ошириш учун ишлатилинадиган сўзлар “Аллоҳу акбар”, “ла илаҳа иллаллоҳ” каби сўзлардир, деган тушунчани келтириб чиқаради. Манашунинг ўзи дин душманларини мақсад ва ғояларини амалга оширишлари учун етарли бўлади.

Тўғри, ўзининг ишончли устози бўлган ва мустаҳкам иймон ва эътиқодли, илмли мусулмонлар ҳеч қачон уларнинг пуч даъволарига ишониб қолмайдилар. Лекин дунёдаги барча мусулмонлар ҳам шундай эмасда!

15.02.2015 йил

“Тўхтабой” жомеъ масжиди имом хатиби:

Исҳоқжон домла